
Биография

Эрнст Бегматов



Эрнст Азимович Бегматов 1936 йилнинг 7 июлида Наманган областининг Тўрақўрғон районида педагог оиласида туғилди. Ёшлик йиллари Жанубий Қозоғистон областининг Туркистон районидаги Отабий қишлоғида ўтди. У 1954 йилда қишлоқдаги 5-ўрта мактабни, 1959 йилда эса А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатди.

1959—60 йилларда Самарқанд областининг Пойариқ районидаги 53- мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Кейинчалик Тошкентга келиб, 1961 йилнинг июль ойигача ЎзССР «Ўқитувчи» нашриётида ишлади. 1961 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ипститути ҳозирги замон ўзбек тили секторига кичик илмий ходим бўлиб ишга ўтди.

У 1965 йилда таниқли олим Фахри Камолов раҳбарлигида «Ўзбек тили аптропонимикаси» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Эрист Бегматов киши номларининг маъноларини аниқлаш, имлосини тартибга солиш каби муҳим проблемалар устида самарали меҳнат қилаётган тадқиқотчилардан саналади. У ҳозир А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти нутқ маданияти секторида катта илмий ходим бўлиб хизмат қилган.

Асарлари:

1959

Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик синонимлар. «Сборник студенческих работ УзГУ», Новая серия, вып. 2, Самарканд.

1962

Киши номларининг маъноларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1965

Антрополексемалар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

Номлар ва одамлар. «Фан ва турмуш» журнали, 1- ва 3-сонлар, Тошкент.

Киши номларининг отлашиш йўли билан юзага келиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Ўзбек антропонимикасининг лексик-семантик хусусиятлари. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

Ономастик сўз ясаш масалаларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

Киши номлари ҳақида. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 7-сон, Тошкент.

1966

Ундовлар. «Ҳозирги ўзбек тили», Тошкент.

Тасвирий сўзлар. Юқоридаги китоб.

Адабий талаффуз маданияти.

Ўзбек исмлари имлоси.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.